

JP

«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI



1995 йил 19 июльдан бугунгача

www.mf.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish



Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!

Суд тизимига ишонч пайдо бўладими? 5

ҲА, ФАҚАТ...

Янги Ўзбекистон тараққиёти марказий осие иқтисодиёти кафолатидир

РАҚОБАТСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛАДИМИ?

✓ Умида Раҳмонова нега Инсон ҳуқуқлари маркази фаолиятини танқид қилди?

✓ Наҳотки, депутатлар уч йил давомида тузатилмаган камчиликларнинг иккинчи ўқишгача бартараф этилишига ишонишди?

ОАВ ва ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бири, шубҳасиз, монополия масаласи бўлиб қолмоқда. Шу ўринда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да ҳам 25 дан ортқ фаолият тури бўйича монополиялар тугатилиши бўйича

вазифалар белгилангани ҳам бежиз эмас. Рақамларга эътибор беринг: аини пайтда Ўзбекистонда 92 та монопол корхона 104 та монополлашган товар бозорларда устунлик қилмоқда. Энг муҳими, уларнинг барчаси деярли давлат иштирокидаги корхоналардир.

Давоми 2-бетда

Қонун ташаббускорларининг таъкидлашича, 10 йил муқаддам қабул қилинган амалдаги қонун бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермай қолди.



ҚАРС БИР ҚЎЛДАН ҲАМ ЧИҚАДИ

Ўзбекистонда янги таҳрирдаги “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг кучга кириши кутилаётган шу кунларда ижтимоий тармоқлар кўшни Қозоғистон мактабларида биринчи синфдан бошлаб рус тилини ўқитиш тартиби бекор қилингани ҳақидаги хабарларга ургу бера бошлади. Бундан аввалроқ esa info.mf.uz.kz. Қозоғистон парламентида реклама баннерлари, таомномалар, прейскурант ва нархномалар энди фақат қозок тилида ёзилиши, фақат лозим бўлган тақдирдагина бошқа тилга таржима қилиниши белгилангани хабар қилган эди.

Қозоғистон таълим вазирининг қайд этишича, биринчи синф ўқувчилари, энг аввало, она тилида ўқиш ва ёзишни ўрганишлари зарур. Бир қарашда оддий ҳолат, оддий воқеа. Аммо айрим билгичлар бу ҳолатни рус тилига бўлган муносабат ўзгараётгани билан изоҳлашга уринмоқдалар.

Аслида esa буни миллий тилнинг нуфузини оширишга, тобора обрўсизланаётган давлат тилининг аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳурматини тиклашга, жамият ривожига тилни юксалтириш миллатни улуғлаш йўлидаги биринчи қадам

эканини англатиш йўлидаги ҳаракат сифатида қабул қилиш лозим.

Тан олайлик, биз ҳам давлат тили масаласида ҳаддан зиёд эҳтиёткорона йўл танлаётган халқмиз. Миллионлаб юртдошларимизни қувонтирган “Давлат тили тўғрисида”ги қонун лойиҳаси айрим депутатлар томонидан оёқ ости қилиниб, бошқа қабул қилинмайдиган даражага борганида ҳам сукут сақладик. Эҳтиёткорлигимиз шу даражага етдики, 9 сентябрдан кучга кириши кутилаётган “Реклама тўғрисида”ги қонун ижроси қатъий таъминланишига ҳам унчалар ишонмаймиз.

Давоми 2-бетда

Ҳар ким энг олий қадрияти саналган ўз она тилини, урф-одат ва анъаналарини қадрлаётган бир пайтда бу ҳолни нодўстлик ришталари билан боғловчилар ҳам топилади.

2 ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Давлат олий таълим муассасалари магистратурасига талабалikka қабул қилиниб, тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган хотин-қизларнинг 2022/2023 ўқув йили учун тўлов-контракт миқдори давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

4 ЎТМИШ НУРИ КЕЛАЖАКНИ ЁРИТАДИ

16 август – Абу Али ибн Сино таваллуд топган кун



7 ЮРТИМИЗДА ХАЛҚАРО ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ҲАФТАЛИГИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Шу йилнинг 1-7 ноябрь кунлари мамлакатимизнинг бир неча ҳудудларида Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги бўлиб ўтади.



5 ФАРҒОНА: 412 ТА МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

6 ТАРОВАТЛИ ТАЛҚИНЛАР

Адабиётшунос Тўлқин Иўлдошев китоблари ҳақида мулоҳазалар



7 НОЁБ ҚУРЪОН ҚЎЛЁЗМАСИ ЎҒИРЛАБ КЕТИЛДИ

«Султон Увайс Қараний» зиёратгоҳи музейида сақланаётган муқаддас Қуръони карим китоби қўлёзма нусхаси ўғирлаб кетилди.

8 «ЎЗБЕК ҚАРВОНИ» ЧЕХИЯГА ҲАМ ЕТИБ БОРДИ

ЎЗБЕКИСТОН

Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Кибсингни топмадим асло.
Шоирлар бор, ўз юртин бутун —
Олам аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йироқ,
Қанотида қумуш диёри,
Бир ўлка бор дунёда, бироқ
Битилмаган дostonдир бори:
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Юрмасан ҳеч беҳиштни излаб,
Тополмасам чекмасан алам.
Ўтирмасан эртақлар сўзлаб,
Мусалло деб йўнмасан қалам.
Кўкламиндан олиб сурурни,
Довруғ солди устоз Олимжон,
Ғафур Ғулом туйган ғурурни
Қилмоқ мумкин дунёга дoston.
Олис тарих қадамим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
Илғай олмас барчасин кўзим.
Мақтамасман мозийни бироқ,
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди мағрур, давонгир,
Икки аср ярим дунёни
Зир қақшатди Буюк жаҳонгир.
Айтгум, бу кун, у маним, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Боболардан сўз кетса зинҳор,
Бир калом бор гап аввалида.
Осмон илии туғилган илк бор
Кўрагоний жадвалларида.
Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У, Улуғбек кўзидаги ёш.
Ерда қолган, о, таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Давоми 8-бетда

БИР ТАНМИЗ, БИР ЖОНМИЗ, БИР ВАТАНМИЗ!



«МАҲАН ТОШИ»
Соҳибқирон «Тузуқлар»да эслатган мезон бугун тақдирида такрорланмоқда

9 МИЛЛИАРД САРИ КЕТДИК 4



3 УЙҒОҚ ДЕПУТАТЛАР



Янги Ўзбекистон тараққиёти марказий осий иқтисодиёти кафолатидир



Тарихда савдо алоқаларининг ривожини савдо карвонларига боғлиқ бўлса, бугунга келиб замонавий транспорт тизими ва улар учун яратилаётган инфратузилмалар давлатларни ўзаро боғламоқда. Айниқса, жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнларида бу соҳанинг аҳамияти тобора ортиб борапти.

Шу ўринда логистика тизими-га мамлакат иқтисодиётининг қон томири, дея таъриф берилган бежиз эмаслигини таъкидлаш жоиз. Боиси, самарадор логистика тизими ички бозорда тайёр маҳсулот ва хомашё ҳаракатини оптималлаштириш орқали харидорларга товар ва хизматлар учун етказиб берилишини таъминлаб, бозордаги рақобатни рағбатлантиради. Ташқи бозорда эса иқтисодий рақобатбардошлигини оширади ва мамлакатларни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини тезлаштиради.

9 август куни давлатимиз раҳбари халқро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича тақдирот билан танишар экан, бу йил юртимиз маҳсулотлари 32 та янги бозорга кириб боргани, Жаҳон савдо ташкилотига киришга қаратилган ишлар ҳам жадаллашганлигини таъкидлади.

Бу рақам ва кўрсаткичлар Янги Ўзбекистонда экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини аниқлатади, албатта. Зеро, иқтисодиётда ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, маҳсулотни етказиб бериш ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Айниқса, ҳозир дунёда логистика муаммолари авжга чиққан бир вазиятда бу ўта долзарб масала ҳисобланади.

Маълумки, сўнгги вақтларда технология инновацияларнинг тез суръатлари, дунё иқтисодиётидаги ўзгаришлар мурракб вазиятлар ва COVID-19 пандемияси транспорт логистикаси соҳаси ривожини пасайтирди. Лекин айни пайтга келиб вазият ижобий томонга ўзгараётган. Жаҳон транспорт ва логистика тизими ташкилоти маълумотларига кўра, транспорт хизматлари бозори 2021 йилдаги 6 559,7 миллиард доллардан 2022 йилда 7 210,4 миллиард долларгача ўсиши кутилмоқда.

Бу кўрсаткич 2026 йилга бориб 9,6 фоиз ўсиш суръати билан 10 394,13 миллиард долларни ташкил этиши мумкин. Шу сабабли, транспорт соҳаси статистикаси ва маълумотларини чуқур таҳлил қилиб бориш

ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Утган йил маълумотларига кўра, мамлакатимиз Жаҳон банкининг "Логистика самарадорлиги" индексида 19-поғонага кўтарилган. Қайд этиш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл тармоқларини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш, ташқи савдо учун "яшил йўлақлар" ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажминини 15 миллион тоннага ошириш белгиланган.

Сир эмас, яқин вақтларга қадар асосий юкларимиз Қозғоғистон транзит йўлакларини орқали ташилган ва бу йўналишдаги имкониятлар эҳтиёжларимизни тўла қондира олмаган. Товарларни Ўзбекистон худудига олиб киришда электровозлар, замонавий терминаллар етишмаслиги, темир йўл тармоқларидаги бандлик маҳсулотларнинг маълум муддат қолиб кетишига сабаб бўлиб, иқтисодиётимизга салбий таъсир ҳам кўрсатган.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилги Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон ташқи савдо юкларини жаҳон ва минтақадаги асосий бозорларга олиб чиқадиган ишончли транспорт ва транзит йўлакларини изчил шакллантириш, логистик йўналишларни диверсификация қилиш, бу борада қўшниларимиз билан амалий музокаралар ўтказиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эдилар. Жумладан, транзит давлатлар — Туркменистон, Эрон, Қозғоғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия худудларидан асосий экспорт юкларини транзит шаклида ташинишда преференцияларга эга бўлиш, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг логистика соҳасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатларини рағбатлантириш зарурлиги таъкидланган эди.

Хитойнинг "Бир макон — бир йўл" лойиҳаси доирасида мам-

лакатимизнинг транспорт коммуникацияси инфратузилмаси имкониятлари кенгайди, албатта. Миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида "Миллий логистика портали" ишга туширилди. Умуман, Ўзбекистонда кейинги йилларда сифатли хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий инфратузилмалар яратиш орқали автомобиль йўллари ва темир йўл йўналишларида йирик транзит хаблари ташкил этиш режалаштирилди.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимиз денгизга чиқиш учун камдига иккита давлат худудидан ўтиши керак ва бу жаҳон бозорига чиқишда салбий таъсирга эга. Масалан, бугунги кунда Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчи учун жаҳон бозорига чиқиш Германиядаги ишлаб чиқарувчига нисбатан 4 баравар қimmatга тушади.

Аммо буни транспорт харажатларини пасайтириш, ташувлар тезлигини оширишга қаратилган самарали транспорт сиёсати орқали ҳал қилиш мумкин. Шу боис, Марказий Осий мамлакатлари транспорт логистикаси салоҳиятини ошириш, транзит қобилиятини кенгайтиришда минтақадаги қўшнилар билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустақамлаш, бу борадаги ишларни фаол қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан долзарб масала ҳисобланади.

Айни пайтда Ўзбекистон минтақавий иқтисодий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб этиш мақсадида Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш тармоғи ва Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл қурилиши каби йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширмоқда. Бунинг учун 4,8 миллиард доллар кредит жалб этиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳанинг илк босқичи учун Жаҳон банки томонидан 35 миллион доллар ажратилган.

Маълумотларга кўра, 600 километри Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли ишга тушгач, дастлабки йилларда юк ташиш ҳажми 10 мил-

лион тоннага етиши мумкин. Экспертларнинг тахминича, Афғонистоннинг транспорт ва инфратузилмавий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш орқали Ўзбекистондан Покистонга юк ташиш вақти 35 кундан 3 кунгача қисқаради. Россия ва Покистон ўртасида транспорт харажатларини 20 фоиз, Марказий Осий ва Покистон давлатлари ўртасида эса 35 фоиз камайтириши мумкин.

Маълумки, Марказий Осий давлатлари раҳбарларининг яқинда Қирғизистонда бўлиб ўтган навбатдаги маслаҳат учрашувида Қозғоғистон трансфтон темир йўли қурилишида иштирок этишга тайёрлигини билдирди ва қурилишни ер устки қурилмалари учун материаллар билан узлуксиз таъминлашни ҳамда ҳаракатдаги таркиб тақдим этишини маълум қилди.

Муқобил транспорт йўлакларини янада ривожлантириш ҳамда жануб ва шарқ йўналишида транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни мустақамлаш мақсадида Осий-Тинч океани минтақаси бозорларига чиқиш учун қўшимча имкониятлар яратадиган Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўлини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари жадаллаштирилмоқда.

Мазкур темир йўл Хитойни Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан боғлайдиган энг қисқа йўналишга айланади. Мавжуд йўналишларга қараганда масофа 900 километрга, юкларни етказиб бериш муддати 7-8 кунга қисқаради. Ушбу лойиҳа истиқболлари 2020 йилда ишга тушган Қашғар — Ирқистом — Уш — Андижон — Ташкент автомобиль йўлаги орқали намоен бўлмоқда. Бу йўл Марказий Осийдан автомобиль транспорти воситаларининг Хитойга тезроқ етиб боришига имкон берапти.

Бундан ташқари, минтақамизнинг улкан стратегик аҳамиятга эга транспорт ва транзит салоҳиятидан янада унумли фойдаланиш, Осийдаги глобал бозорларга чиқиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Марказий Осий худудидан транспорт йўлакларини, шунингдек, Озарбайжон ва Тур-

кия орқали Европа бозорларига элтувчи йўналишларни ривожлантириш, логистика инфратузилмасини кенгайтириш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

2021 йилда Ислон тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг пойтахтимизда ўтказилган 46-йиллик йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан "Ғарбий Африкадан Шарқий Осийгача яшил йўлак" савдо-иқтисодий маконини шакллантириш ташаббуси илгари сурилди.

Унинг амалга оширилиши ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашиши ва барқарор ўсиши, эркин савдони рағбатлантириш, транспорт ва логистика инфратузилмаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда Марказий Осий минтақасида транспорт логистикаси соҳасида мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳити яратилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳолатлар кучайиб бораётганига қарамай, мамлакатлар ўртасидаги аъъанавий логистика заنجирлари узиллиши билан боғлиқ муаммолар изчил бартараф этиб борилмоқда. Шунингдек, инфляция импорти, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига нисбатан хавфхатарларнинг олдини олиш учун кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ишлар янада кучайтирилди. Натижада сўнгги беш йилда минтақа ичида товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга ошди.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, Янги Ўзбекистонда транспорт логистикаси соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар яқин давр ичида улкан натижалар беради. Энг муҳими, бу соҳа нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осийнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

✓ Худудларда

УЙФОҚ ДЕПУТАТЛАР



Партиянинг Сирдарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан Сайхунобод туманининг "Янги ҳаёт" маҳалласида ташкил этилган тадбирда даставвал, отабоболаримиз орзу қилган, аммо бугунги авлодгагина насиб этган ҳурлик машаққатлари тилга олинди ва истиқлол бир марта қўлга киритилиб, то қиёматгача химоя қилинадиган неъмат экани қайта-қайта таъкидланди.

Мустақиллик шукронаси билан бошланган тадбир сўнггида аёлларнинг оиладан ажралмаган ҳолда ҳунарманчилик, касаначилик ва томорқачилик билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига ҳам муҳокама этилди.

Давра суҳбатида депутатлар айрим оилалардаги моддий етишмовчиликлар сабаб келиб чиқаётган ажримлар бевосита аёллар бандлиги билан боғлиқ эканини таъкидлаб, опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиши кераклигини таъкидлашди.

Бухоро вилояти Кенгаши раиси Махсуд Муҳаммедовнинг Бухоро тумани Кенгаши депутати Ихтиёр Шодиев билан "Гулшанобод" маҳалласи фуқаролари билан ўтказган сайёр қабулда эса депутатлар дастлаб йиғилганларни ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги билан муборакбод этиб, мустақилликнинг моҳияти, бу халқимиз тарихидаги буюк воқеа экани таъкидланди. Сўнг, сайёр қабулга ўз муаммолари билан келган аҳоли мурожаатлари эшитилди. Қабул якунида муаммолар юзасидан мутасаддиларга депутатлик сўровлари юборилди. Андижонлик депутатлар ўтаётган ҳафтада асосан "Уйма-

уй" лойиҳаси доирасида хонадонларда бўлиб, аҳоли билан очиқ мулоқотлар уюштирилди.

Шунингдек, Андижон шаҳри бўйлаб Мустақиллик шукронасига бағишланган туркум тадбирлар мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари учун ташкил этилди. Унда партия вилояти Кенгаши раиси ўринбосари К.Абдувалиева, "Бувижонлар мактаби" раҳбари М.Ҳошимова, шаҳар отинойлари раҳбари А.Зияевалар ўзларининг маърифий ва ҳаётий маърузалари билан иштирок этдилар.

Айни шу мазмундаги тадбир Жалақудуқ тумани Кенгаши раиси Д.Иминжонов ташаббуси билан "Ширинбулоқ" зиёратгоҳида ташкил этилди.


Тошлоқ тумани Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан эса "Ўзбекистон" МФИда "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида ўрганиш ишлари олиб борилиб, депутат Зиёдахон Ҳошимова томонидан шу ҳудуддаги фуқароларни ўйлантираётган ҳаётий муаммолар ўрганилди. Жараёнда мурожаатларда аниқланган ичимлик суви танқислиги, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга кўмак бериш масалалари шу жойнинг ўзида ҳал этилишига эришилди.

Бекзод ТўРАЕВ тайёрлади.

Кутинг!

МАТБУОТ КОТИБЛАРИ ТАНЛАГАН ЙЎЛ МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАКОНИГА ОЛИБ БОРАДИМИ?..

Келгуси сонларда



9 МИЛЛИАРД САРИ КЕТДИК

Countrymetrics.info порталида қайд этилишича, дунё аҳолиси 8 миллиард кишига етган.

Маълумотларда, эркаклар сони 4 миллиарддан сал кўпроқ, аёллар сони эса 3,9 миллиардга ташкил этгани хабар қилинапти.

Шунингдек, порталда сайёра аҳолиси учун ўлимнинг энг кенг тарқалган учта сабаби ҳам маълум қилинди. Биринчи ўринда юрак-қон томир касалликлари – 2022 йилда 5,9 миллион ҳолат, инсулт – 4,2 миллион ва пастки нафас йўлларининг ўткир инфекциялари – 2,1 миллион.

Хабарингиз бор, бундан аввалроқ БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти аҳоли сонининг ўсиши бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиб, 2022 йилнинг 15 ноябрида жами аҳоли сони 8 миллиардга 2080 йилларга бориб эса 10,4 миллиардга етиши кутилмоқда, деб ёзган эди.

Кейинчалик, Австриянинг демография ва глобал инсон капитали маркази таҳминига кўра, дунё аҳолиси сони 10 миллиардга етиши кутилмоқда, деб ёзган эди.

Австрия демография маркази, шунингдек, Африка ва Осиёда аҳоли ўсиш суръатлари аввалгисидан паст бўлишини, хусусан, Хитойда ўсиш сезиларли даражада пасайиши кутилаётганини маълум қилганди.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда энг кўп аҳоли сони – 1,4 миллиард одам Хитойга (18,1 фоиз) тўғри келаётган бўлса, Ҳиндистон ҳам Хитой билан деярли бир хил кўрсаткичга (17,7 фоиз) эга бўлиб қоляпти. Аҳоли сони бўйича АҚШ – 336 миллион киши (4,2 фоиз) билан учинчи ўринни эгаллаган.

ЎЗА



Халқаро конференция ишида Эрон, Туркия, Миср, Германия, Ҳиндистон, Исроил, Жанубий Корея, Тожикистон, Қирғизистондан маърузачилар иштирок этишди.



ЎТМИШ НУРИ КЕЛАЖАКНИ ЁРИТАДИ

Кеча Ислон цивилизацияси марказида Абу Али ибн Сино таваллудининг 1042 йиллигига бағишлаб “Абу Али ибн Сино мероси: Шарқ ва Ғарб олимлари нигоҳида” мавзусида халқаро илмий-маърифий видеоконференция бўлиб ўтди. Халқаро конференция Ислон ҳамкорлиги ташкилоти ҳузурдаги Ислон тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ этиш маркази (IRICICA), Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ва “Ибн Сино” жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.

Халқаро конференция ишида Эрон, Туркия, Миср, Германия, Ҳиндистон, Исроил, Жанубий Корея, Тожикистон, Қирғизистондан маърузачилар ислон дунёси цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган мутафаккир олим Абу Али ибн Синонинг турли фанларга асос солганлиги, ўрта асрлар ислон оламида тиббиёт ва унга боғлиқ фанлар равнақи ҳақидаги маълумотларни мужассам этган маърузалар эшитилди. Буюк аллома Ибн Сино жаҳон фани тарихида

қомусий олим сифатида тиббиёт, табиат, астрономия, математика, musiқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка бағишланган дунёда машҳур бўлган илмий мероси, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари халқларининг тақдирига ижобий таъсир кўрсатганлигига оид илмий мулоҳазалар муҳокама қилинди.

Тадбир очилишида Ислон цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров, “Ибн Сино” жамоат фонди бошқарув раиси Нозимхон Маҳмудов, Ислон тарихи, маданияти ва санъатини ўрганиш илмий-тадқиқот маркази (IRICICA) бош директори Маҳмуд Эрол Қилич сўзга чиқиб, жаҳон тиббиёти ва фармацевтикасига беқиёс ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг инсониятга қолдирган бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни фаоллаштириш, тиббиёт ва фармацевтика соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва рағбатлантириш, Ўзбекистон илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш учун халқаро илмий алоқаларни ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Анжуманда “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджанова, бўлим бошлиғи Дониёр Тошбоевлар ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Партия фаоллари таъкидлаганларидек, “Миллий тикланиш” демократик партияси халқ таъботи соҳаси вакиллари мамлакатимиздаги зифатлари, маданият ва санъат, фан ва таълим фидойилари қаторида ўзининг электорати сифатида эътироф этган ягона сиёсий куч ҳисобланади. Демак, партия халқ таъботи соҳасида ечимини кутаётган масалаларни барча даражадаги депутатлик гуруҳлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бирга ўрганишга ҳамда бу борада парламент, депутатлик жамоатчилиги назоратини ўрнатишга тайёр.

Партия ўзининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурининг алоҳида бандида халқ таъботини ривожлантиришнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уни замонавий тиббиёт даражасига етказишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Халқ таъботи тўғрисида”ги

қонуни ҳамда Ўзбекистонда халқ таъботини ривожлантириш Концепциясини яратиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Мазкур масалаларни амалиётга жорий этишда бугун анжуманда иштирок этётган барча ташкилотлар, олимлар, мутахассислар билан партия глобал даражадаги мулоқот ва ҳамкорликка тайёр.

Шунингдек, халқаро конференцияда маҳаллий ва хорижий олимларнинг Абу Али ибн Сино меросининг Ғарб ва Шарқ тиббиётидаги муҳим аҳамияти, аллома асарларининг замонавий тиббиёт кадрларини тайёрлашдаги ўрни, Ибн Сино томонидан тақдим этилган Ислон таъботининг аънанавий тиббиётга таъсирига оид маърузалари тингланди.

“Абу Али ибн Сино” достони Академик Абдукарим Усмонхўжаев томонидан тақдим этилди. Ибн Сино асарларининг араб, форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган китобларидан, тиббиёт анжумлари намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

Анора ҲАЙДАРОВА,
партия Марказий кенгаши ходими

✓ Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!

БИР ТАНМИЗ, БИР ЖОНМИЗ, БИР ВАТАНМИЗ!



Бугунги янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этиш ҳар биримиз учун БУРЧга айлангандагина кутилган натижаларга эриша оламиз.

Маълумки, аҳолиси 36 миллионга яқинлашаётган Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи мамлакатлардан бўлгани учун ҳам жаҳоннинг кўплаб давлатлари ҳудуддаги ўзгаришларга кўпинча Ўзбекистон нуқтаи назаридан баҳо бермоқда. Тан олишимиз керакки, узоқ йиллар ёпиқ сиёсат олиб борган Ўзбекистон кейинги олти йилда чиндан ҳам том маънода ўзгарди.

Айниқса, бундай ўзгаришлар болалар меҳнатидан батамом

қатъий риоя қилаётгани Марказий Осиё шароитида бирламчи омил экани халқаро экспертлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Зотан, 130дан ортқ миллат ва элатларнинг тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшашига эришиш дунёнинг санокли давлатларидагина кузатилаётган ҳолатдир.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда инсон қадрининг ҳуқуқ ва манфаатлари қоғозда эмас, амалда улуғланиши учун бор куч

ли давлатлар тарихи ҳақида узоқ суҳбатлашдик, турли адабиётларни, тарихчи олимларнинг эски қўлёзмаларини варақладик. Маълум бўлишича, қардошларимиз тарихига қанчалик чуқур кириб борсак, урф-одат ва аъналаримиз, ҳатто тилимиздаги яқинлик ҳам яққолроқ сезилар экан. Уйғур, турк, озарбайжон, қирғиз, қозоқ, татар ва туркман миллатига мансуб юртдошларимиз ҳам айнан ана шу фикрни билдирдилар.

Бизга энг яқин тилларимиз, яъни таржимонсиз гаплашадиганларимиз эса, шубҳасиз, қозоқ, қирғизлар экан. Қорақалпоқлар билан эса ҳар икки тилда ҳам бирдек гаплашаварамиз. Бунга Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида бўлганимизда яна бир қарра ишондик. Туманда қорақалпоқ миллатига мансуб 15 минг нафардан ортқ аҳоли яшайди. Улар асосан туманининг «Найман», «Момохон», «Қирқчек», «Ингичка», «Қорашаҳар», «Чордона», «Қўғоликўл», «Бешсерка», «Қолғандарё» каби маҳаллаларида истиқомат қилишади. Энг кўп қорақалпоқ дўстларимиз «Қолғандарё» ҳудудида бўлиб, бу ерда 6 минг нафардан ортқ экан.

«Қолғандарё»лик Акбарали ота Аҳмадалиевнинг бутун умри қишлоқ ҳўжалигида ўтган. Ҳозир у киши нафақадарлар.

– Менинг паспортимга «қорақалпоқ» деб ёзил-

ган, туғишган укамнига эса «ўзбек» дейилган, – дейди ота-хон биз билан суҳбатда. – Беш нафар ўғил-қизим, 15 нафар неварам, 3 нафар чеварам бор. Невараларимдан бири Японияда ўқийди, иккинчиси кузда Америкага ўқишга кетяпти.

«Қолғандарё» ўтган йили «Обод маҳалла» дастурига кириб, барча йўлларимиз асфальтланди. Сув бормаган жойларга сув тортилди, электр тармоғи янгиланди, мактаб, маҳалла идораси ҳам таъмирланди, энг муҳими, масжидларимиз обод бўлди. Хуллас, барчамиз ўзбекимиз, қозоқми, қорақалпоқми, бир тан бўлиб яшаймиз. Бир танлик, бир жонлик бу – бир Ватанликдир, – дейди Акбарали ота.

Кексаларнинг айтишича, «Қолғандарё»га Жийдали Бойсун уруғининг қорақалпоқлари келиб ўрнашиб, ўтроқлашиб кетганга уч йўз йиллар бўлган. Ҳозир урф-одатларимиз ҳам тўй, маъракаларимиз ҳам деярли фарқ қилмайди. Тил борасида ҳам шундай. Олдинлари қипчоқ лаҳжасига яқин шевада сўзлашилган бўлса, бугунга келиб кўпроқ ўзбек адабий тилида сўзлашади. Аҳоли асосан чорвачилик, деҳқончилик, шоликорлик ва хунармандчилик, жумладан, кўл бўйида жойлашгани учун бўйрачилик билан шугулланади.

«Қолғандарё»лик ўқитувчи Комилжон Маметов ҳатто на-

манганлик қорақалпоқлар тарихи ва бугунги куни ҳақида китоб ҳам ёзибди. Шунингдек, уларнинг тарихи, маданияти, урф-одатларини ўзида мужассамлаган музей ташкил этиш ниётида экан.

Ҳа, чиндан ҳам Фарғона водийсининг энг жадал ривожланаётган вилояти – Наманганда миллатлараро дўстлик муҳитини янада яхшилаш учун барча бирдек ҳаракат қилмоқда.

Бир бўлсак кучимиз, айрилсак кучсизлигимизни намоян қиламиз, дейишади наманганлик оқоқоллар. Янги Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлигини таъминлаб бераётган сиёсати нега кўпчилик эътиборини қозонмоқда, деган саволга ҳам қарияларимиз кўнглимиздагидек жавоб қайтаришди: дунё яралибдики, қўшнига, қардошга юрагини очган халқ доим эъзозланади, ҳурмат топади. Мана олти йилдирки, Ўзбекистон ўз миллий етакчиси билан ана шу нозик қоидага амал қилиб, Марказий Осиё халқларининг бирдамлигига улкан ҳисса қўшмоқда. Бундай интилиш эса тинчликка, тинчлик эса баракага олиб боради...


«Эл азиз, инсон азиз!» иборасининг мазмун моҳияти ҳам аслида шу, назаримизда.

Дилноза АЗИЗОВА,
партиянинг Наманган вилояти Кенгаши раиси

воз кечилганида, пахта билан боғлиқ мажбурий меҳнатга муносабатда, жамиятда сўз ва матбуот эркинлиги таъминланганида, энг асосийси эса, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётганида яққолроқ кўзга ташланмоқда.

Бу жараёнда Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик тамойилларига

ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Киммиз, қайси миллат ва элатданмиз, қаерда яшаймиз ва касби-қоримиздан қатъий назар, Янги Ўзбекистон фуқароси эканмиз, унинг фаровонлигига эришиш, кучли ва ривожланган мамлакатга айлаштириш учун чиндан ҳам барчамиз бирдек бурчлимиз. Яқинда татар миллатига мансуб бир дугонам билан туркий тил-



ФАРҒОНА

412 ТА МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан халқни рози қилишнинг бирламчи омили аҳолини қийнаётган муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий кўмакка муҳтож ёки бошқа бирор масала юзасидан мурожаат йўллаган фуқаро сўровини эътиборсиз қолдирмаслик, бу жараёнда "Маҳаллабай" ишлаш ҳар бир раҳбар зиммасидаги энг муҳим вазифа экани таъкидланган эди.

Фарғона шаҳридаги "Тадбиркорлар уйи" да вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров томонидан навбатдаги қабул ўтказилиб, унда 60 нафарга яқин фуқаро мурожаати кўриб чиқилди.

Сайёр қабулда моддий ёрдам, уй-жой муаммоси, субсидия, тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит олиш, ҳудудларни ободонлаштириш, бандлик ва кўпчиликини ўйлангандан тиббий хизмат масалалари эшитилиб, 40 дан зиёд мурожаатларга қабул чоғидаёқ ечимлар топилди. Хусусан, Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи Саидали Хусанов хорijdан тиббиёт жиҳозларини олиб келиш учун кредит олишда ёрдам сўраган эди. Ҳоким масалани атрофлича муҳокама қилиб, ижобий ҳал қилиш учун мутасаддиларга топшириқ берди.

Шунингдек, Фарғона тумани Шоҳимардонобод МФИ аҳли номидан мурожаат билан келган Шокиржон Ҳожибоевнинг ҳудудда мавжуд чиқиндиҳона муаммосини ҳал этиш ва ёшларга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича мурожаати жойига чиқиб ўрганилгандан сўнг аҳоли тақлифлари асосида ҳал этиладиган бўлди. Қўқонлик Дилдора Уринбоева эса аввалги қабулдаги мурожаатлари ижобий ечим топгани учун давлатимиз раҳбари ва барча вилоят мутасаддиларига ўз миннатдорлигини билдиргани келибди.

Чиндан ҳам ҳокимлар иштирокидаги сайёр қабуллар реал натижалар бераётганини таъкидлаш жоиз. Шу ўринда айни пайтда Фарғона вилоятида қарийб 3 млн 900 минг нафар фуқаро истиқомат қилади. Вилоят ҳоқими 2021 йил давомида атиги 4 маротаба халқни бевоСИТА қабулини ўтказган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 7 маротаба сайёр қабуллар ташкил этилиб, 530 та мурожаатдан, 412 таси ижобий ҳал этилган. 113 та мурожаат юзасидан эса масъул мутасаддиларга топшириқлар берилган. 5 нафар фуқаронинг мурожаати эса асоссиз деб топилди, аризаси рад этилган.

Бир сўз билан айтганда, Фарғона вилоятида ҳам "Инсон қадри азиз" тамойили асосида олиб борилаётган ислохотлар реал натижалар берапти. Бу эса фарғоналикларнинг эртанги кунга бўлган ишончларини янада мустаҳкамляпти.

Зиёда НАЖИМОВА,
"Миллий тикланиш" мухбири
Фарғона

✓ Кутинг!

ЁПИЛГАН ЭШИКЛАР ОЧИЛАДИМИ?

Хўш, ушбу ҳаётбахш қарордан олдин Сўхта нега бундай улғувор ишлар амалга оширилмади?! Ахир ушбу қарор дунё юзини кўргунча ҳам Сўхта ҳокимлик мавжуд эди-ку!

Келгуси сонларда

СУД ТИЗИМИГА ИШОНЧ ПАЙДО БЎЛАДИМИ? ҚА, ФАҚАТ...

Маълумки, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлатнинг бирламчи вазифасидир. Шу маънода, мамлакатимизда кейинги йилларда содир бўлаётган ўзгаришлар, айниқса, адолатли суд тизимини шакллантиришга қаратилган ислохотлар ҳазрати фуқаро томонидан қўллаб-қувватланапти.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш бўйича кўплаб вазифалар белгиланган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, одил судловни амалга ошириш ва бунда судлар мустақиллигини таъминлашга оид 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниши ортита "Инсон қадри учун" тамойили мужассамдир.

Утган ҳафта Олий Мажлис Сенати томонидан Ўзбекистон Президентини тақдирномасига асосан Олий судга янги раис маъқуллангани, янги раиснинг жамоага таништирилиши жараёнида судлар фаолиятига доир билдирилган танқидий фикрлар нафақат шу соҳа вакиллари, балки бутун жамоатчилик диққат марказида бўлди, десак муболаға бўлмайди. Чунки бу борада амалга оширилаётган туб ўзгаришларга қарамай, одамлар ҳамон суд ишидан норозилар, энг ёмони судьяларга бўлган ишонч борган сари сусайиб борапти.

чиқилган суд қарорларини эса Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида ҳамда Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида тақоран кўриб чиқилиши белгиланган.

Бундай тартибни жорий этишдан мақсад, суд қарорларининг арзиман сабаблар билан бекор қилинишининг олдини олиш, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини тақорловчи босқичларидан воз кечиш, суд ишига аралашувлар ва ниҳоят фуқароларнинг судларда сарсон бўлиши ҳолатларига барҳам бериш эди. Бироқ фуқаролик ишлари бўйича биринчи босқич судлари томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорлари устидан апелляция тартибида кўрилмаган ишларни вилоят инстанцияларида кўриб чиқишнинг аввалги тартиби бекор қилиниши билан, аксинча фуқаролар сарсон-саргардонлиги баттар ортди.

Мисол учун, айталик, фуқаролик ишлари бўйича судларда ишни иккинчи бўлиб етишига олиб келади. Иккинчидан, фуқароларнинг ортиқча маблағ сарфлаб, марказга келиб кетишини олдини олади.

Олий суд судьялари жойида ўтириб, ишларни кўришдан кўра, жойларга чиқиб, ҳудудлардаги судьялар билан кўпроқ ишласа, улар ишни назорат қилибгина қолмасдан, ҳал қилув қарорларининг сифатини ахшилаш бўйича чора-тадбирлар кўришса, суд амалиётини умумлаштириш механизмини қуйи судларда қўллаш кучайтирилса, бу сифатли ва қатъий қарорлар қабул қилинишига, судьяларнинг савияси ва малакаси ошишига, энг муҳими, фуқароларнинг сарсонгарчилиги, ортиқча маблағ ва вақт сарфлашини олдини олишга хизмат қилади. Бундан келиб чиқадики, фуқаролик судларидаги аввалги, яъни фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлов ҳайъатларининг биринчи босқич судининг қонуний кучга кирган, апелляция инстанциясида кўрилмаган ишларни кассация тартибида кўриш ваколати, Олий суднинг эса ишни назорат тартибида кўриб чиқиш ваколати тикланиши керак.

Иккинчидан, ҳозирги амалиётда вилоят умумюрисдикция судларида фуқаролик ишлари бўйича ҳайъат томонидан иш кўрилишида прокурор иштироки унчалик сезилмайди. Судларда прокурорни адвокат билан тенглаштиришга уриниш фуқаролик ишларини кўриб чиқиш жараёнида ўз самарасини бермаётганга ўхшайди. Ваҳоланки, жиноят ишида "давлат қораловчиси" вазифасини бажарётган прокурордан фарқли ўларок, фуқаролик ишида иштирок этаётган прокурор томонидан ўз ваколати доирасида фуқаролик ишини кўриб чиқаётган судга фуқаролар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига нисбатан биринчи босқич суди томонидан нечоғли адолатсизлик қилинганлиги, шикоятда келтирилган вазиларнинг тўғри ёки нотўғрилиги борасида ҳайъат қанчалик адолатли ёндашмоқда, қайси ҳуқуқ нормаси бузилишига йўл қўйилган ёхуд процессуал қонунчилик бузилган-бузилмаганлиги, бир сўз билан айтганда, иш ҳолатларига кўра, тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда келтирилган вазилар, суд томонидан иш учун аҳамиятли деб топилган ҳужжатларнинг қабул қилинишининг қонунийлиги, биринчи босқич суди томонидан қонунийликка қариш этилиши ҳолатлари ўрганилади.

Адвокат эса, ўз позициясини ҳимоя қилинаётган тараф манфаатларига мослаштиради ва шу асосда суд қароридаги қонунчилик бузилиши ҳолатига ёндашади. Ишда ҳеч бир тарафнинг манфаатини кўзламаган ҳолда судда одиллик ва қонунийликка риоя этилганлиги ҳолатини ўрганувчи ва ўрнатувчи бу – прокурор бўлиши керак.

Шунга кўра, умумюрисдикция вилоят судларининг фуқаролик иши бўйича ҳайъатларида кўриладиган ҳар қандай ишларда прокурор иштироки таъминланиши шарт, деб белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, амалиёт шунини кўрсатадики, фуқаролик ишлари бўйича туманлароқ судларда жорий этилган судья ёрдамчиси лавозимида олий юридик маълумотга эга мутахассислар ишламоқда. Бир судьяга бир нафар ёрдамчи, айрим судларда битта штат бирлигига, 0,5 ст.дан икки нафар мутахассис ишлатилаётганлиги ҳам бор гап. Судьяларнинг иш ҳажми ниҳоятда кўпчилиги барчага маълум. Ишларнинг сифатсиз кўрилиши, қарорлар устидан шикоятларнинг кўпайишига энг асосий сабаб ҳам шу, аслида.

Айни пайтда бир судья бир ойда ўртача 200-250 тадан қарорларнинг сифатини ахшилаш бўйича чора-тадбирлар кўришса, суд амалиётини умумлаштириш механизмини қуйи судларда қўллаш кучайтирилса, бу сифатли ва қатъий қарорлар қабул қилинишига, судьяларнинг савияси ва малакаси ошишига, энг муҳими, фуқароларнинг сарсонгарчилиги, ортиқча маблағ ва вақт сарфлашини олдини олишга хизмат қилади. Бундан келиб чиқадики, фуқаролик судларидаги аввалги, яъни фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлов ҳайъатларининг биринчи босқич судининг қонуний кучга кирган, апелляция инстанциясида кўрилмаган ишларни кассация тартибида кўриш ваколати, Олий суднинг эса ишни назорат тартибида кўриб чиқиш ваколати тикланиши керак.

Фуқаролик ишлари бўйича биринчи босқич судлари томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорлари устидан апелляция тартибида кўрилмаган ишларни вилоят инстанцияларида кўриб чиқишнинг аввалги тартиби бекор қилиниши билан, аксинча фуқаролар сарсон-саргардонлиги баттар ортди.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

158

Обуна индекси

ОБУНА – 2022!

Адинахон АБДУХАЛИКОВА,
Партия Марказий кенгаши ҳуқуқшуноси

«...Бойкечикнинг девзираси – гуручларнинг зури бўлиб, бу мўъжизавий неъмат Гуркиров атрофларида ҳам қора дарёнинг ширин сувларига тўйиниб, яраб етилмади. Кўй ёғи ва кўй гўштига «боқилгач» эса, дам товонки кўтариб қозонган ўрмалаб чиқиб кетади дегу».



(Адабиётшунос Тўлқин Йўлдошев китоблари ҳақида мулоҳазалар)

Таниқли адабиётшунос олим Умрзоқ Улжабоевнинг «охирига етмай қолган» ушбу мақоласини нанки – илмий ёки фаолияти учун зарурат ўлароқ, балки инсонийлик нуқтаи назаридан нашр этиш аҳамиятини муҳим, деб ҳисобладик ва нашрга тайёрладик. У.Улжабоев бир вақтнинг ўзида ҳам филология фанлари номзоиди, доцент Тўлқин Йўлдошев шахсияти, ҳам бу инсон муаллифлигидаги бир неча китоб ҳамда китобларда тилга олинган Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Турсуной Содикова, Акрам Каттабеков, Қамчибек Кенжа сингари забардаст олим-у шоирлар ҳақида сўз юритган. Устозлари ва тенгдошларига нисбатан чексиз ҳурмат ва юқори даражадаги садоқат руҳида ёзилган ушбу мақола Умрзоқ Улжабоевнинг вафоти муносабати билан ниҳоясига етмай қолди. Бироқ эзгу ишлар бир инсон умри билан эмас, уларнинг умрбоқийлиги билан ўлчанишини эътиборга олиб, уни чоп этишни вазирамиз, деб билдик. Зеро, турли омишлар сабаб тобора қадрсизланиб бораётган маънавиятимиз учун садоқат ва меҳр-муҳаббатли бўлиш ҳамда бу бобда намуна кўрсатишдек унсурларнинг етишмаслиги кунимизнинг муаммоларидандир. Зора, мазкур мақола ана шу муаммоларга қисман бўлса-да ечим бўлса...

Тахририят.

Шундай мунаққидлар борки, у ёки бу ижодкор ҳақида ёзар экан, шоир ёки носир илҳом маҳсули бўлган асар кўтаришга маҳорат даражасида ёзишга интилади. Асар мазмунини ва моҳиятини ширинли каломда баён этиб, муаллифнинг асарга юклаган ният-мақсадни ўқувчига раво тушунилади, асарни китобхонга янада яқинроқ бўлишини таъминлашга интилади. Ана шундай ёзиш ҳадисини олган мунаққид ва адабиётшуносларни «танқидчилик шоири», деб бежиз айтибдилар.

Наманганнинг Ҳаққулбодиди ваёга етиб, адабиётга меҳр кўйган, Озод домла ва бошқа устозлар билан уммонидан баҳраманд бўлган, ўзбек адабиётидаги анъаналарни рус адабиётининг хос жиҳатлари билан муқояса қилиб, устозлар тасанносига лойиқ кўрилган Тўлқин Йўлдошев ҳам алоҳида бетакрор услубга эга бўлган адабиётшунослар сирасига кирди.

У баъзи ҳамкасблари сингари ҳар йили китоб эълон қилмади. Унинг китобларини санаганнингизда бармоқларингиз ортиб қолиши мумкин. Аммо ёзганлари қўлдан қўймай ўқийдиган асарларга айланади.

Тўлқиннинг ажойиб шоира, бийрон воиз, ардоқли мураббий Турсуной Содикова ҳақида илҳос ва илҳом билан битган «Атиргулга айланган умр», ҳурмат, эҳтиром ва эътироф шоҳасидан мангу жой олган устоз Озод Шарафиддинов ҳақидаги «Озод домла» эссеи, йирик олим ва ажойиб инсон Акрам Каттабеков ҳақидаги хотираларини жамлаган «Олис юлдузга интилиб» («Мумтоз сўз» 2012) ва 2014 йилда «Наврўз» нашриётида чоп этилган «Камолотнинг олис йўли» номли салмоқли китоби мамлакатимиз ва адабиёт аҳли эътиборига тушгани, меҳр ва илқик билан кутиб олингани ҳеч кимга сир эмас.

Тўлқин Йўлдошев асарлари билан танишсангиз шу нарсага амин бўласиз-ки, ўзи яхши билган, узоқ ўрганган ва қузатган ижодкорлар ҳақидаги ўқувчига айтишга арзигулик мулоҳазаларни қозғашга тушарилади. Унинг ёзганлари самимийлиги, сўзларнинг оҳорлилиги билан китобхон эътиборини тортади.

«Яхши сўз – жон озиғи», дейдилар Турсуной Содикова ижодий фаолиятининг барча қирраларини узоқ йиллар ўрганган муаллиф Ҳадиси шарифдаги хикматга ишора қилиб, «Яхши сўзбатдош атрофурушга ўхшайди, аттирдан бермаса ҳам ҳиди уфуриб туради», деган хикматни ўрнида топиб қўлайди.

Тўлқиннинг «Атиргулга айланган умр» рисоласининг барча фасллари шоира шахсияти – ўқувчи талабалардан тортиб, ижодкорлик ва ижтимоий фаолиятининг шаклланиш жараёнлари ва тақомил босқичларини камраб олувчи 50 йилдан ортиқроқ муддат маҳсулини раво, жозибадор тил услубида баён этади.

Муаллиф Турсуной ижодининг қайси қиррасини қаламга олмасин, ижодкорнинг ўша соҳада ўқувчи ёки тингловчига манзур этган жиҳатларини топишга интилади.

Турсунойнинг курсдоши бўлган муаллиф талабалик йилларини ширин энтикиш билан хотирлайди: «Пахта

ийгим-терим даврида курсимизнинг факультет марказига айланиб қолишида Турсунойнинг шарофати анча-мунча эди. У деярли ҳар оқшом лирик кечалар уюштирар, мушоиралар, интермедиялар тайёрлар, ўртага чиқмагани ҳам чиқарар, ҳуллас, у тузган дастурлар оловдай тафтли бўлар эди. Катта-кичикка бирдек меҳрибонлик қилар, бузилган ораларни ислоҳ қилишда унга етадигани йўқ эди. Пахта мавсумида қадрдонлашган устоз-у шогирдлар университетга қайтганларидан кейин ҳам қўтлуғ даргоҳда ўтказилган ўқиш-ўрганиш, ўзини эшитиш йилларида турли адабий тадбир ва анжуманлар ташаббускорлари, ташиқотчилари ҳамда иштирокчилари бўлганликлари «Олтин давр» хотираларига ёрқин саҳифалар бўлиб муҳрланганини муаллиф Зулфия билан ўтказилган учрашув муносабати билан шундай эслади: «...Хурматли домлаимиз Умарали Норматов Турсунойга: «Турсуной бир чиқиб опани табриклар берасиз энди, ҳеч ким сиздаки чиройли гапиролмайди», дея лўф билан топшириқ берди. Турсуной шоша-пиша ўқувчилар дафтари билан варағига майда ҳарфлар билан айтадиган гапини ёза бошлади. Яқинроқда мен турган эканман: «Тўлқин, мана буни кўр-чи, шунақа десам бўладими?», деб қолди. Мен уни қўлимга олиб кўз югуртирган бўлдим. Бўлади, дегандай бош иргадим. Турсунойга сўз берилди. Ҳалиги ўзимиз кўрган варағиди гаплар бу ёқда қолиб, шундай нутқ сўзлади-ки, шеър десанг, шеър эмас, гап десанг куйдай мусиқаси бор эди. Ҳамма ўтирганлар: «Э, раҳмат-э», деб юборишди. Гулдурас қарсақлар янгради. Турсуной ҳаяжон билан минбардан тушар экан, Зулфия опа қўл чўзиб унинг ортидан келар эди. Турсуной унга ўғирилганда опанинг кўзлари тўла ёш, унга кучок очиб турар эди. Зулфия опа Турсунойнинг бағрига босиб қаттиқ кучоқлади ва қўлидан тутиб, ўзи ўтирган жойга бошлаб кетди. Учрашув охиригача уни ёнидан жилдирмади».

Уша жўшқин талабалик йилларида катта-кичик назарига тушган шоирани тинглар экансиз, ҳақиқий воизлик Турсуной таъбирича «кўнума ёки малака эмас, балки илоҳий неъмат» эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Дарҳақиқат, Турсуной Содикова «Етмиш икки томирим ёзиладиган жой минбардир», дея бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, у минбарда ёйлиб-ёзилиб самимий сўзларди...

Турсуной Содикова ижодий фаолиятида воизлик санъатининг иззат-эътибор топанлиги сабабини рисола муаллифи Тўлқин Йўлдошев «Унинг муҳлислар билан юрагини кафтага қўйиб, гоётада самимий гаплашишида, ҳалқ руҳиятини теран тушуниши, миллий руҳиятга сингизи йўллари оидон биллишида, ундан ҳам муҳими – унинг ўз элини суйиб туриб, элига қуйиб туриб айтадиган, ҳеч кимникига ўхшамаган гапининг борлигида», деб ҳисоблайди.

Ҳеч кимникига ўхшамаган, бетакрор, халқона гапни айтишни хоҳ назмда, хоҳ насрда бўлсин – муҳим деб йлади. Шоира шеърларини таҳлил этар экан, мунаққид:

«Халқимизда: «Бир суйган ва бир куйган шоир бўлади», деган нақл бор. Агар шоирамиз малол олмасалар, айтиш мумкин-ки, бу аёлни шоир қилган ҳар иккала омил бўлиши керак... Шоира шеърлари юрак изтиробларининг дилгир нақшларидир», дея ёзади. Турсунойнинг: «Шеър ёзмадим, токи бағрим тиланмагунча», деган икромори рисола муаллифи фикрларини тасдиқлаши, шубҳасиз.

Шоира шеърятининг диапозони ҳақида фикр юритар экан, Турсуной шеърларида фаол фуқаролик руҳи, фалсафий теранлик, мушоҳада, ижтимоий мазмун, ҳаёт учун масъуллиқ буй кўрсатгани, Ватансиз шоир бўлмаганидек, Ватанни мадҳ этмаган ижодкор ҳам бўлмаганини қайд этиб: «Андижонда хонумонум», «Аёл сўзи», «Ўзбегимнинг боласи» каби унлаб шеърлари асарлар буй-бастига муносиб тарзда тахлил этади. Турида, юракни ҳапқиртирадиган, ҳаяжонга соладиган манзумалар ҳақида тўлқинланмай ёзиб бўладими?»

Рисоланинг кейинги фасллари Турсунойнинг ўз муҳлислари билан бўлган учрашувларига бағишланган. Китобхонларнинг меҳр-оқибат, оила, аёлларга дахлдор муаммоларга бағишланган турфа хил саволларига ўз ҳаётини тажрибалари, кўрганлари, эшитганлари, ўқиганлари асосидаги жўяли жавоблари ва қузатишлари кейинчалик туркум рисолада тарзда чоп этилган маънавий сабоқлари шоирани элга танитди. Утган асрнинг 80-йилларида бошланган ва мустақиллик йилларида телевидение орқали эфирга узатилган Турсунойнинг суҳбатлари, ўша йиллари телевидение рейтингини кўтарган омишлардан бўлган, десак муболага бўлмас.

Унинг экран орқали айтганлари, катта-кичик китобларида ёзганлари нафақат Турсуной илҳосмандлари, шу билан бирга, сўзининг сеҳрини, таъбир кучини яхши англайдиган устоз адиблар ҳам суйиб ўқийдиган, эътироф этадиган бўлишлари.

Шу жойда Тўлқин Йўлдошев Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг Турсуной ҳақидаги эътирофини ўринли келтирди: «Турсуной кучли нотик аёл. Фикрини қозғашга тушириш олдидан уни оғизга солиб, мазасини татиб кўради. Жумланга ўнган чапга, чапдан ўнганга ўқиб, ортиқча жойларини кесиб ташлайди. Овоз чиқариб ўқийди. Бирор жойда оҳанг бузилган-бузилмаганини сезади. Ҳар бир жумласи ўқиши, тинглаши бўлмагунча қозғашга туширмайди. Китобга кирган мақола, суҳбатни, ўй-хаёллари, ички мунозога, насихатлари-ю маслаҳатлари – барчаси зукко тингловчилар назаридан ўтган, тасдиқланган асарлардир. Турсуной тингловчилари кўнглини топадиган зийрак шоира».

Шу жойда рисола муаллифи сеvimли ёзувчимизнинг Турсуной ҳақидаги эҳтиромли эътирофи билан юқоридаги фикрларини тўлдиради: «Яқин ўн йил ичида «Қора сўз» билан ёзилган иккита шеърлик китоб ўқидим. Бири темирчи Амир бобонинг «Темирчи»дан қолган тиллолар» китоби бўлса, иккинчиси Турсуной Содикованинг «Ҳазрати аёл» китобидир».

Тўлқин Йўлдошев ўқувчи эътиборини Саид Аҳмаднинг ёш ҳамкасбига лўф ила «Қора сўз» билан ёзилган насрий асар деган баҳосига қаратади. Китобда профессионал сўз сеҳргарларнинг Турсуной асарлари ҳақидаги эътирофлари талайгина.

Муаллифининг шоира ижоди ҳақидаги илқ ва самимий қузатишлари ўқувчини Турсунойнинг назимий ва нас-

рий асарларини такрор ва такрор варақлашга, улардан завқланишга даъват этади.

Мунаққиднинг шоир, адиб, публицист Қамчибек Кенжа ижодий йўли эволюцияси ва руҳиятига бағишланган монографияси «Камолотнинг олис йўли», деб номланган. Китобнинг дастлабки саҳифаларидан бошлаб муаллиф ўқувчини мақоламиз аввалда айтганимиздек, бетакрор услубни топиб, ўрнида айтилган ташбеҳ-у таърифи билан оҳанрабодек ўзига сеҳрлайди.

Тўлқин Йўлдошевнинг баёнларида шоирлик бор. Муаллиф қаҳрамони тугилиб ўсган, воёга етган қишлоқ – Гуркиров ҳақида ёзар экан, Қамчибекни шоир, адиб, ижодкор қилган

ижодда ҳам жуда самимий эканлигини таъкидлаб, «Ижодкор кўнглида кечаётган фикр мулоҳазаларни биров ҳазилга, юморга буриб айтиб юбораверади. Ҳис-туйғуларини жуда ҳам яшириб ўтирмайди. Аслида шоир, ижодкор одам шундай бўлиши керак-да!», деб ёзади Тўлқин Йўлдошев.

Ўзи ҳам навқирон ёшда бўлган, бетакрор қузатишлари билан адабиёт аҳли эътиборини қозонишга улгурган нозиктаб мунаққид Иброҳим Ғофуров Қамчибек Кенжа шеърларининг ўзига хослиги, мавзу ва мундарижанинг янгилигига тўхталиб шундай ёзган эди: «...Етмишинчи йиллар ўзбек истиқболи хаёли билан яшаётган ёшлар кириб келмоқда.

лари таҳлилига бағишланган.

Сафарноманинг жанр хусусиятларидан бири шунда-ки, сафарнома саёҳатда қузатилган турли-туман факт ва ҳодисаларнинг бир-бирига қовушмаган пала-партиш уюмидан иборат эмас, балки ижтимоий қимматга эга, ҳаёт материаллари маълум мақсад асосида сараланиб, типиклаштирилиб акс эттирилган тугал, яхлит асардир.

Шундан келиб чиқиб, муаллиф ўзи битган сафарномаларда маърифий аҳамиятга эга материалларни ифодаловчи асосий марказий қаҳрамон сифатида фаол рол уйнагани қайд этилади.

Йўл хотираларида нотаниш дийёр ҳаётини тасвирлаш, факт ва ҳодисаларни муайян мақсад асосида акс эттиришнинг ўзи кифоя қилмайди, уни идрок этиш, баҳолаш ҳам зарур. Қамчибек Кенжа сафарномаларига хос фазилат – ҳайрат ва таажуб, ифтихор ва афсус, қувонч ва мулоҳазакорлик, жиддий мулоҳаза ва истиқбол ўйлари тасвирларга жило бериб туради. Тўлқин Йўлдошев ҳар бир тасвирда жиддий фикрли, чуқур мулоҳазали ёзувчининг дунёқараши сезилиб туриши алоҳида ўқувчи эътиборини қаратади.

Қамчибек яратган сафарномалар шунчаки кўрган-кечирганларининг қуруқ баёни эмас. Бу асарларнинг ҳассос ёзувчи қаламига мансуб эканлиги яққол сезилиб туради. Шу боис улар завқ-шаъқ билан ўқилади. Дадил айтиш мумкинки, Қамчибек сафарнома жанрини юқори босқичга кўтарди, унинг ҳали очилмаган имкониятларини намоян этди. Юқорида айтганларимиз нафақат бизнинг субъектив баҳомиз, балки Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ористов, истеъдодли адиб Шодмон Отабек ва яна кўплаб қалам аҳлининг фикрлари ҳамдир.

Китобнинг илова қисмидаги ёзувчилар, жамоат арбоблари, журналистлар ва бошқа касб эгаларининг Қамчибек Кенжанинг шахс ва ижодкор сифатидаги қиёфаси ҳақидаги мулоҳазаларининг берилиши китоб қаҳрамони портретини мукаммаллаштиради. Шоир, адиб, публицист, таржимон Қамчибек Кенжа ёзувчиликни касб ёки ҳунар деб эмас, балки қисмат деб билганлиги, унинг заҳматларига чидаб ва энгиз қамолот сари интилгани унинг асарларида ҳавас билан қараб, муҳлис бўлиб, ҳаяжон билан қозғашга туширган Тўлқин Йўлдошевни ижодкор ва тадқиқоччи сифатида қўллашимиз келади.

Шодмон Отабек «Жаҳонгашта адиб» мақоласида қайд этилган китоблари ҳақида ёзар экан, «Қамчибек Кенжа гарчи маълум муддат пойтахтда истиқомат қилган бўлса-да, асосан тугилган юрти – Андижонда истиқомат қилмоқда. Адабий муҳитдан олисда ҳам баркамол асарлар яратиш мумкинлигини, ҳамма муаммони охир-оқибат ижодкорнинг истеъдоди ҳал этишини исбот этаётгандай гўё», дейди.

Дарҳақиқат, китоб билан танишиб, сеҳрқира ижодкор олами билан ошно бўлиб, вилоятларда яшаб ижод этган ва эътибор адабиётимизнинг залворли юқини кўтаришда беиннат хизмат қилган ва қилаётган халқ шоирлари – Тўра Сулаймон, Охунжон Ҳаким, Ҳабиб Саъдулла каби сўз сеҳргарлари ҳам ана шундай китоб қаҳрамонлари бўлишга муносиб эканликларини хаёлдан ўтказамиз.

Умрзоқ УЛЖАБОВ,

Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоиди, доцент

Тўлқин Йўлдошев асарлари билан танишсангиз шу нарсага амин бўласиз-ки, ўзи яхши билган, узоқ ўрганган ва қузатган ижодкорлар ҳақидаги ўқувчига айтишга арзигулик мулоҳазаларни қозғашга туширади. Унинг ёзганлари самимийлиги, сўзларнинг оҳорлилиги билан китобхон эътиборини тортади.

гўша ва унинг одамлари ҳақида жўшиб ёзади. Мана бу сатрларга атибор беринг-а: «Бутун қишлоқ манзарали ва мевали дарахларга бурканган, қоматлари адил мирзатерақлар, кумуш япроқлари шамолда ялттираб рақс тушаётган бақатерақлар, нафис ва мулойим новдалари сой сувларини йил ўн икки ой силаб-сийлаб ўсадиган мажнунтоллар... Анори, анжирини йўқ ҳовлининг ўзи йўқ. Қора дарё бўйларидида қалин, қуюқ дарахтзор-ўрмон эса қишлоқ ҳуснига хусн қўшиб сирли шоувуллади.

Гуркиров аҳли хушчақчақ, чеҳраси очик, хушсухан, ҳозиржавоб. Энд муҳими, гуркировликлар жуда меҳнатқаш, миришкор деҳқонлар, ҳар юмушга қобил, қўли гул одамлар.

Бойкечикнинг девзираси – гуручларнинг зури бўлиб, бу мўъжизавий неъмат Гуркиров атрофларида ҳам қора дарёнинг ширин сувларига тўйиниб, яираб етмади. Кўй ёғи ва кўй гўштига «боқилгач» эса, дам товонки кўтариб қозондан ўрмалаб чиқиб кетай дейди».

Киндик қони ана шу сўлим заминга тўкилган Қамчибекнинг болалик ва ўсмирлик йиллари – уни қурашган катталар, отаси, Раҳимберди тоғаси ва бошқа яқинлари, тенгтушлари ҳақидаги мароқли тафсилотлар қаҳрамон кундаликларидан ўринли ва унумли фойдаланганлиги асарнинг жозибасини таъминлаган, десак муболага бўлмас. Табиийки, Қамчибек Кенжанинг назимий ва насрий асарлари ҳақида ёзилган тақрирлар ранг-баранг. Шоирнинг ижод йўли бир текис бўлмагани каби асарларга берилган баҳолар ҳам баҳсли, мунозарали, ижобий ва салбий нуқтаи назарларни жамлаганлиги характерлидир.

«Камолотнинг олис йўли» асарининг каттагина қисми сафарнома жанридаги Қамчибекнинг насрий асарлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларга нафақат китобхон, айна пайтада ҳамкасб, шу соҳада эътироф этилган ношир ва адабиётшунослар Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Матқуб Қўшонов, Умарали Норматов, Иброҳим Ғофуров, Йўлдош Сулаймон, Шодмон Отабек, Йўлдош Солижонов ва кўплаб адабиёт конжурларининг эътибори тушган. Уларнинг Қамчибек Кенжа битикларига ҳурмат ва эҳтиром, ижодий ютуқлардан қувонишлари кўнгиллари тўлмаган ўринларга эҳтиётқорона билдирган мулоҳазаларининг келтирилиши мазкур асарни, шубҳасиз бойитган, деган тўхтамага олиб келади.

«Ҳинд сориға», «Андижондан Даккагача», «Буюклар изидан», «Андижондан Боғдоғача» каби йўл хотира-



Ҳақим САТТОРИЙ,
Республика
Маънавият ва
маърифат маркази
бош мутахассиси

Соҳибқирон «Тузуқлар»да эслатган мезон бугун тақдирида такрорланмоқда

Тарихда буюклик ёки машхурлик рутбасига етишган шахсларнинг фаолияти зиддиятлар, ҳатто муросасиз ва кескин қарама-қаршиликларга тўла бўлади. Бунда орадаги вақт ва муносабатнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг авлод бу борада каттагина «амалий тажриба»га эга бўлди: нуфузли олимлар, буюк ёзувчилар «тенгсиз, бетакрор» деб улуғлаган доҳийлар бир айланиб «тупроқ билан тенг» бўлиб қолди. Шу ўринда йўқсиллар доҳийси Владимир Лениннинг қисмати эслаш кифоя.

Айни кунларда бир юрдошимизнинг (чунки бу одам ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, аниқроқ қилиб айтсак, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида туғилган) Амир Темури ҳақида навбатдаги шов-шувлари жамоатчилик эътиборини тортди. Бу нарсага одатдаги ҳол деб қараш лозим. Қолаверса, бағрикенг ўзбек «Мевали дарахтга тош отилади», деган пурмаъно мақолни яратиб қўйибди (мевали экан, тош отишди, мевасиз бўлганда... ҳар кимга «мевали бўлиш» насиб этсин!).

Гапнинг нафсиламбрини айтганда, тарихда Амир Темуридек зиддиятли шахс кам топилса керак. Бу зиддият фақат феъл-атворда эмас, муносабатда ҳам яққол кўринади. Юз йилдан ортқ давом этган мустамлакачилик мафкураси эса мазкур зиддиятни яна ҳам чуқурлаштириб юборди. Шўро салтанати бу буюк, ҳашаматли зотни «кўмиб ташлаш» учун қанчалик чуқур ҳандақ қавламади, унинг устини қанчалар кўп қиқинди билан ёпмади (бугун нима бўлди? – энг катта савол шу эмасми? Жавоб эса аниқ – у тузум ўзи қазиган чуқурга тушди. Соҳибқирон эса бутун талъати билан номоён бўлмоқда, дўстларни қулдириб, душманларни куйдириб, мангу умрини давом эттирмоқда!).

Рост, буюк бобомизнинг дўстлари, уни тан олган, фахрланган кишилар қанча кўп бўлса, душманлари ҳам

шунча кўп. Чунки дунёнинг қонунияти шундай – ҳамма тушунчанинг зидди бор. Якка ҳукмронлик фақат Яратганга хос, бу ҳолни ҳазратнинг ўзи ҳам тан олган. Сўнги видео сўзи – васиятда шундай калималар бор: «Аллоҳ таолодан умидим борки, гарчи гуноҳим кўп бўлса, бир жиҳатдан менга раҳмат қилгай – мазлумларни золимлар дастидан ҳимоя қилдим. Менинг давримда зўрлардан ожизлар зулм кўрмади».

Бобокалонимиз шахси атрофидаги гап-сўзларни тўғри тушуниш ва қабул қилиш учун шу давр тарихидан бохабар бўлиш шарт. Кейинги йилларда бу мавзуда кўплаб китоблар яратилди, Соҳибқирон фаолиятига атрофлича баҳо беришга ҳаракат қилинди. Бу борада муқобил (яъни, рақиб) тарафларнинг эътирозлари (масалан, турк ёки рус олимлари қарашлари) ҳам ҳисобга олинган. Рост, бу билимлардан ҳеч қурса, бир чимдим бохабар бўлмасдан мазкур мавзуда фикр юритиш ҳам, ундай одамга бирон нарсани тушунтириш ҳам қийин (шундай ҳоллар бўладики, баъзилар ўзим ёзган нарсаларни ўзимга бузиб, «расвосини чиқариб» айтиб беради ва билимдонлигини намоиш қилмоқчи бўлади. Хатоларига эътироз билдирилса, асло тан олмайди).

Шуниси эътиборлики, Амир Темури тарихи ўз даврида ҳам, орадан яқин йиллар ўтиб ҳам олимлар томонидан батафсил ёзилган, деярли гўборли ўринлар қолмаган. Ҳатто уларнинг кўпини ҳазратнинг ўзлари ҳам ўқиганлар. «Темури тузуқлари» эса Соҳибқироннинг тўғридан-тўғри «ҳасби ҳоли»дир (бундай ҳолат ҳукмдорларда камдан-кам учрайди). Бироқ бир истисно ҳолат бор: азбаройи қизиқиш (балки ҳавасдир ёки ҳасад!)нинг катталиги туфайли Соҳибқирон тарихи турли даражадаги муаллифлар томонидан такрор-такрор ёзилган, ҳатто «Темуринома» йўналишидаги халқ китоблари ҳам яратилган. Бу ҳол баъзан (ҳатто кўпинча) ростдан ёлғонни

ажратиш мумкин бўлмай қолишига олиб келади. Таассуфки, ёлғон аралашган китоблар раво қилинадиган, зериктирмайдиган бўлади, чунки муаллиф ўзини эркин қўяди, истаганча бичиб-тўқийверади. Шунданми, кўпинча сохта китоблар машхур бўлиб кетади (худди Марсель Брион номидан эълон қилинган китобга ўхшаб).

Демак, бу теран тарихни тушуниш учун маълум тайёргарлик керак ва далиллар ким томонидан баён этилгани каби уни қандай қабул қилишга ҳам боғлиқ. Умумий бир ҳақиқат шуки, ҳеч ким Амир Темури илоҳийлаштирмоқчи эмас (бу ҳол ўз-ўзидан ширк, яъни Аллоҳга шерик топиш ҳисобланади) ва муаллифлар бунга йўл қўйишмайди.

Ҳазрат ўз даврининг фарзанди эди, унинг шахсида ўша даврнинг жами зиддиятлари мужассамлашган эди, яна кучли шахс – даҳо сифатида ўша зиддиятлар яна ҳам чуқур, яна ҳам кўламли мужассамлашган эди.

Шу маънода бобомиз (шу сўзни қўллашдан орқилмайди)данлар учун айта-япман, бошқа фикрдагилар учун узр) таржимаи ҳолига доир қандайдир маълумот оммага тақдим этилар экан, уларнинг қанчалик илмийлиги, мантиқийлиги, ҳолислиги муҳим. Шуниси борки, ўз даврида муҳтарам алломалар Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Фиёсиддин Али, Абдураззоқ Самарқандий, Натанзий, ибн Арабшоҳ сингари ўнлаб муаррихлар асарларида учрамайдиган маълумотлар, албатта, ғайриилмий; тўқима китоблардагилари эса муаллифнинг ё меҳридан, ё қаҳридан пайдо бўлган.

Шунинг учун янги далилни жамоатчиликка эълон қилаётган юрдошларимиз (масалан, Соҳибқироннинг бешинчи ўғли ҳақида ёки бошқалар) аниқ тарихий манбани кўрсатсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳақиқатан, бу буюк инсон фаолиятининг ҳали ўрганилмаган жиҳатлари мавжуд, шунда ўша далил хайрли мақсадларга хиз-

мат қилиши мумкин. Мабодо, таги пуч нарса бўлса, шов-шув кўтаришга эҳтиёж йўқ, уни бир хаёлкашнинг ижоди, деб қарашга тўғри келади. Бундай чалкашликлар бобомиз ҳаётларида тириклик чоғларида ёқ кўп учраган. Пойтахтдан йиллаб чиқиб кетган Соҳибқироннинг ўлими ҳақида хабар тарқалади, кимлардир хурсанд. Шундай паллада зафарнишон қўшин бошқа бир дарвозадан кириб келади.

Яна бир истисноли ҳол: Соҳибқирон Амир Темурининг душманлари ҳар доим бўлган вабуҳол ҳамон давом этмоқда. Шундай кўламли зот кимнинг ҳасадини қўзғамайди ахир! Мазкур ҳолни кимнинг қандай қабул қилиши унинг эътиқодига, имонига, маслағига боғлиқ. Бу улғу зот кимларнингдир шафқатига ёки марҳаматига муҳтож эмас, у ўз борлиги (яъни-ёмони) билан асрларни орта қолдириб мангу яшайверади. Бир зурриёдиннинг гапи бу.

Якуний гап шуки, турли видеолардан, яна бошқа триллерлардан хафа бўлмаслик лозим. Улар шу ҳолда бор эди, шу ҳолда ўзини кўрсатди. Дунё тан олган бу буюкликни мамлакат ўз ифтихорига айлантириб, етарли даражада шарафлаши ёки кўз юмиб туриши бутунлай бошқа масала. Гапнинг бўлари эса, Амир Темури шундай юксак қояки, унга отилган тошлар оралиқда қолиб кетаверади, шамоллар-довулларни писанд қилмай мағрур турган бу чўнг қояга муносабатда тоғнинг эмас, унга яқинлашган одамнинг бўй-басти аниқ бўлиб қолади. Энди ҳақиқатни тасдиқлашда буюк зотга муносабатга эмас, муносабат билдирганга баҳо берилади, чунки Амир Темури шахси ҳар жиҳатдан ўз баҳосини олиб бўлган. Маҳак тошига сариқ металл уриб қўрилган ва шу воситада унинг мис ёки олтинлиги аниқланган. Таъжубки, XXI асрда рост билан ботилни аниқлашда Соҳибқироннинг шахсияти маҳак тоши вазифасини бажаряпти.

НОЁБ ҚУРЪОН ҚЎЛЁЗМАСИ ЎГИРЛАБ КЕТИЛДИ

Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги «Султон Увайс Қараний» зиёратгоҳида яқин ва олис ўтмишнинг нодир осори-атиқалари ўрин олган музейда сақланаётган муқаддас Қуръони карим китоби қўлёмасининг нусхаси ўғирлаб кетилди.

Вилоят Ички ишлар бошқармаси матбуот хизматининг ЎЗА мухбирига маълум қилишича, ушбу ҳодиса 2022 йил 9 август кундан 10 август кунига ўтар кечаси соат 00:04 ларда юз берган. Бир гуруҳ шахслар Балиққўл маҳалласида жойлашган муаззам ва тарихий зиёратгоҳда мавжуд бўлган Қуръони карим китобининг қўлёмас нусхасини ўғирлаб, номаълум томонга яширинган.

Мазкур ҳолат зудлик билан вилоят прокуратураси ва вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан назоратга олинди. Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «в», «г» бандлари билан жиноят иши қўзғатилди.

Айни вақтда жиноятни содир этган номаълум кимсаларни қидириб топиш юзасидан ташкил этилган гуруҳ томонидан тезкор-қидирув ишлари олиб борилмади.

Маълумот учун, «Султон Увайс Қараний» зиёратгоҳидан ўғирланган Мусхафнинг қўлёмас нусхаси ҳажми жиҳатидан Ўзбекистон мусулмонлари идорасидаги Қуръони Усмоғидан кейин иккинчи ўринда туради. Нодир қўлёманинг бўйи 74, эни 51, қалинлиги 12 сантиметрли, оғирлиги эса 21,5 килограммни ташкил этади. Жами 428 саҳифадан иборат, Қуръондаги барча суралар тўлиқ ёзилган. Бу ноёб китоб неча йиллик тарихга эга эканига – 800 йил, 500 йил деган далиллар келтирилади ва турли тахминлар бор. Шунингдек, Ҳазрати Мавлоно Ҳожа Лутфуллоҳ Чустий хонақоҳига тегишли эканлиги ва 1874 йилда кўчириб туғатилгани ҳам қайд этилган. Қўлёмас 2017 йилгача «Олтин мерос» жамғармасида сақланди ва ўша йили Намангандаги «Ҳидоя» ўрта махсус ислом билим юрти кутубхонасига топширилган эди.

Оқилхон ДАДАБОВ

Туризм

Юртимизда Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги бўлиб ўтади

Мамлакатимиз муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар сероб бўлган дён.

Шу боис зиёрат туризми кенг ривожланмоқда. Жорий йилнинг куз ойида юртимиз бўйлаб зиёрат қилишни истаган сайёҳлар учун яна бир имконият тақдим этилади.

Шу йилнинг 1-7 ноябрь кунлари мамлакатимизнинг бир неча ҳудудларида Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги бўлиб ўтади.

«Uzbekistan.travel» портали маълумотларига кўра, халқаро ҳафталик доирасида зиёрат туризмининг ривожлантиришга қаратилган кўргазмалар, семинарлар, илмий-амалий анжуманлар ва маданий-маърифий тадбирлар, шунингдек, тематик сувенир маҳсулотлари тарғиботи ўтказилади.

Қизиқарли томошаларга бой бўлиши кутлаётган мазкур ҳафталик иштирокчиларини бир қатор тадбирлар, фестиваллар кутмоқда. Масалан, Самарқанд шаҳридаги янги «Silk Road» сайёҳлик марказида Халқаро зиёрат туризми ҳафталигининг расмий очилиши, «Ўзбекистоннинг ислом мероси» анжумани, миллий куй ва қўшиқлар фестивали бўлиб ўтади.

Регистонда «Кўнгил оҳанглари» фестивали, Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳат, «Мир Араб мадрасаси битирувчилари» форуми, Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар

уюштирилади.


Ҳафталик давомида Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида «Замонавий ислом меъморчилиги» ва Ичан қалъа марказида «Маҳмуд аз-Замаҳшарий илмий мероси»га бағишланган анжуман, «Нақшбанд» ҳунармандчилик марказида «Ислом хаттотлиги ва декоратив дизайни», «Хива – ислом олами туризми пойтахти» мавзусига бағишланган «Жаҳон усталари» халқаро ҳунармандчилик кўргазмалари ва турли халқлар амалий санъат усталари ва ҳунармандларининг ярмаркаси, Хивада «Нажмиддин Кубро кўрсатмалари» конференцияси бўлиши кутилмоқда.

«Ислом иқтисодиёти» мавзусига бағишланган давра суҳбати, «Миллий либослар» кўргазмаси, Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуаси билан танишув тадбирлари ташкил этилади. «Toshkent City» конгресслар залида «Ҳалол туризм» анжумани, «Наврўз» истироҳат боғида «Ҳалол таомлар» фестивали бўлиб ўтади. Халқаро зиёрат туризми ҳафталигининг ёпилиш маросими, «Toshkent City»да гала-концерт дастури ўтказилади.

Шунингдек, ҳафталик доирасида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжуманлари ва брифинглар ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Г.САТТОРОВА, ЎЗА

Диққат, эълон!



«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»
Кўрик-танловига ҳужжатларни қабул қилиш давом этмоқда

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Кинематография агентлиги, Бадиий академия, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган «Энг улғу, энг азиз» аънавий республика кўрик-танловига ҳужжатларни қабул қилиш жараёни давом этмоқда.

«Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» шiori остида ўтказилаётган ушбу танловга топширилган материал-

лар куйидаги йўналишларда қолиб ва совриндорлар аниқланади:

- + босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- + телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- + интернет-журналистика;
- + журналистлар томонидан нашр этилган публицистик мавзудаги китоблар;
- + ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
- + тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- + кино санъати асарлари.

Эслатма: ҳужжатлар info@journalistlar.uz электрон почтаси орқали ҳам қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган

ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- + муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- + муаллифнинг паспорт нусхаси;
- + муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2021 йилнинг 1 августидан 2022 йилнинг 1 августигача бўлган даврда эълон қилинган материаллар – асарлар жорий йилнинг 22 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами арафасида мукофотландилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улғу, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда ўз ижодий йўналишлари буйича қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 100011, Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 30-уй.
Тел.: 90 990-35-80, 33 855-10-13, 71 244-62-89.

Ўзбекистон «Тасвирий ойна» уюшмаси, 100011, Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 30-уй. Тел.: 71 244-11-64.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, 100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони, тел. 71 231-83-49.
Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги, 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 71 277-81-49.

«ЎЗБЕК ҚАРВОНИ» ЧЕКИЯГА ҚАМ ЕТИБ БОРДИ

Қирғизистонлик шоир ва таржимон Раҳим Карим ўзбек тилидан рус ва инглиз тилларига ўгириб, нашрга таърирлаган «Ўзбек қарвони» китоби АҚШ ва Канадада чоп этилган эди. 600 бетдан иборат ўзбек шеърлари антологиясининг бир нусхаси куни кеча Чехияга ҳам етиб борди. Мумтоз ўзбек шоирлари Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машрабдан бошланиб Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Сайиид, шоирлар Турсунбой Адашбоев, Собит Мадалиев, Шавкат Раҳмон, Равшан Фаиз шеърлари билан давом этган ушбу китоб адабиёт мухлислари эътиборини тортди, шубҳасиз. Маълумотларга кура, эндиликда ушбу китоб Чехия Республикасининг Оломоуц шаҳрида жойлашган Палацкий номидаги университетнинг адабиётшунос олимлари томонидан «Марказий Осиё халқлари адабиёти» лойиҳаси доирасида урганилади.

Н.УСМОНОВА



Абдулла ОРИПОВ

Ўзбекистон

Кўз олдидан кечар асрлар,
Кўз-кўз этиб нуқсу чиройин.
Сарсон ўтган неча насллар,
Тополмасдан туғилган жойин.
Америка — сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл машғали.
Қолумбда бор алашим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,
Ҳаммасига сувоҳ ер ости.
Лекин, дустлар, шеър аҳли аро
Жаҳонгир кам булар, рости.
Беш асрким, назмий саройини
Ташратди занжирбанд бир шеър.
Темур тиги етмаган жойини
Қалам билан олди Алишер.
Дунё бўлди чаманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Боболардан сўзладим, а.м.мо
Бир зот борким, баридан суюк:
Буюкларга бахш этган даҳо,
Она халқим, ўзингсан буюк.
Сен ўзингсан, энг сўнги нонин
Ўзи емай ўғлига тутган.
Сен ўзингсан, фарзандлар шонин
Асрлардан опичлаб ўтган.
Она халқим, жон-таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Бош устингдан ўтди кўп замон,
Ўтди Будда, ўтди Зардушти.
Ҳар учраган ноқасу нодон,
Она халқим, ёқангдан тутди.
Сени Чингиз ғазабга тўлиб
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.
Жалолиддин самани бўлиб
Сақраб ўтдинг Амударёдан.
Сенсан ўшал саманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Толеингда бор экан яшаи,
Гоҳ қон ичдинг, гоҳида шароб.
Этмоқ бўлиб юртим хомталаш,
Бош устингга келди инқилоб.
Чора истаб жанг майдонидан
Самоларга учди унларинг,
Шаҳидларнинг қирмиз қонидан
Алвон бўлди қора тунларинг.
Қонга тўлган кафаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Лекин офтоб поймол ўлмас,
Кавакларда қолмас ой нури,
Одил ҳакам — ҳақ бор, бегараз,
Мазлумларнинг буюк ғамхўри.
Қилич сернаб толе тонғида
Ўзлингни таниб қолдинг сен.
Ўғлонларнинг қатра қонидан
Ўзбекистон номин олдинг сен.
Нони кўтлуғ гулшаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Тинч турарми бу кўҳна олам,
Тинч турарми доғули замон.
Оромингни бузди сенинг ҳам
Фашист деган ваҳший оломон.
Қоним оқди Данцигда маним,
Собир Раҳим йиқилган юғда.
Лекин, юртим, кезелмас ғаним,
Ўзбекистон аталган богда.
Сенсан номус ва шаъним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кеч қуз эди, мен сени кўрдим,
Деразмдан боқарди бирор.
У сен эдинг, о, дехқон юртим,
Турар эдинг ялангитўш, яё.
— Ташқарида изиллар ёмғир,
Қир, бобожон, яйралиб бир оз.
Дейинг: — Пахта, қолди-ку ахир,
Йиғиштирай келмасдан аёз.
Кетдинг, умри маҳзамим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Сен кетарсан балки йироққа,
Фарғонада балки, балқарсан.
Балки чиқиб оқарган тоққа,
Чўпон бўлиб гулхан ёқарсан.
Балки устоз Ойбекдек тўлиб
Ёзажаксан янги бир достон.
Балки Ҳабиб Абдулла бўлиб,
Сахроларда очажаксон қон.
Турроғи зар, маъданим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Майли, юртим, кезсанг ҳам дунё,
Фазоларга қўйсанг ҳам қадам,
Ўзлингни унутма асло,
Унутма ҳеч, онажон ўлкам.
Бир ўғлингдек мен ҳам бу замон
Кечмишингни қилдим томоша.
Иқболнинг кўролдини оён
Истиқлолнинг уфқлари оша.
Иқболи хур, шўх-шаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Завол кўрма ҳеч қачон, ўлкам,
Завол билмас шу ёшинг билан.
Музаффар бўл, голиб бўл, ўқтам,
Дўсту ёринг, қардошинг билан.
Асрларнинг силсиласида
Боқий тургай қошонанг сенинг.
Улуғ башар оиласида
Мангу ёруғ пешонанг сенинг.
Мангу ёруғ масканим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Ибрат

ИККИ ҚУЛ

Султон икки нафар қул сотиб олди. Бирини келишган, озода, тишлари оппоқ эди. Султон янги қулини ёнига қақриб, суҳбатлашди. Қул ҳожасининг сўровларига аниқ ва тўлиқ жавоб берди. Султон унга илтифот кўрсатиб, ҳаммомга кўнатибди. Сўнг: «Иккинчи қул ҳам ёнимга келсин!», деб амр қилди. Бу қул жуда хунук, тишлари қоп-қора, оғзидан нохуш ҳид келар эди. Суҳбатидан ҳам султоннинг кўнгли тўлмади. Лекин кўринишга қараб шошилиб ҳукм чиқармай, уларни яхшилаб синовдан ўтказишга қарор қилди. Оғзи бадбўй қулига дедики: «Сен ақлли одамга ўхшайсан. Лекин олдинроқ ҳузурига келган қул мени сендан соvuтишга уринди, сен ҳақингда: «У яхши одам эмас, ўғри. Бўлмагур одамлар билан улфат ҳамда номуссиз киши», деб айтди», деди. Қул: «Ҳожа, мен уни тўғриси одам деб биламан. Ёлғон сўзлаганига гувоҳим ҳам йўқ. Менинг ёмон жиҳатларимни кўрган экан, у кўрган айбларимни ўзим кўра олмабман», деди. Султон қанча уринмасин, қулга дўсти ҳақида ёмон гап айттиролмади. Аввалги қул ҳаммомдан қайтгач, хўжа-

йинининг ҳузурига қақрибди. Султон унга: «Жуда ҳам чиройли бўлиб кетибсан. Лекин минг афсуски, нариги шеринг сен ҳақингда айтган хислатлари сенда бўлмаганда эди», деди. Қул бирдан қизишди: «Султоним, у диёнатсиз мен ҳақинда нима деди?!». Султон: «У сенинг иккиозламачилигинг, кўринишда даво, аслида эса дард эканингни гапирди». Қул бу гапларни эшитгач, жаждан ақлини йўқотди. Қизариб-бўзариб, шерининг орқасидан оғзига нима келса гапирди. Султон: «Мен иккинчисини ҳам имтиҳон қилиб кўрдим. Билдимки, унинг оғзидан нохуш ҳид келса, сенинг руҳингдан бадбўй ҳид таралар экан. Бундан кейин у сенинг ҳожанг, сен эса унинг қулисан. Бор, унинг хизматида бўл!», деб буюрди. Хўснли, аммо ахлоқсиз одам кадр-сиздир. Бир инсоннинг юзи хунук бўлиши мумкин. Лекин ахлоқи гўзал бўлса, унинг оёқлари остида жон таълим қил! Зоҳирий шакл, гўзаллик ўткинчи, маъно олами эса боқий ва бебаҳо дир.

«Маснавий»дан

Бу қизик

Одамлар ишонмаган етти ихтиродан бири

Бугунги кунда баъзи технология ва техникаларсиз кундалик турмушимизни тасаввур қилиш жуда қийин. Масалан, буларга телевизор, телефон, автомобил ва бошқа шу каби жиҳозларни айтиб ўтиш мумкин. Бироқ мазкур инновацияларни аввалида одамлар салбий қабул қилгани, уларга тезда ишонч билдирмагани ҳақида кўпчилик билмас

натихада ҳатто кинозал-ҳодиса. Томошабинлар саҳнадаги тирик актёрларни кўришни истайди», — деган эди бир вақтлар Чарли Чаплин. Инсоният тарихидаги биринчи фильм ҳисобланган ака-аку Льюмьерларнинг «По-езднинг Ла Сьота вокзалига қайтиши» картинаси илк мартаба намойиш этилганда томошабинлар шунчалик кўрқиб кетишганки,

Нафиса РУСТАМОВА тайёрлади.

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

| Kun | Harorat |
|-----------------------|-----------|
| Chorshanba, 17-avgust | +38° 23° |
| Payshanba, 18-avgust | +36° +19° |
| Juma, 19-avgust | +35° +19° |
| Shanba, 20-avgust | +32° +18° |
| Yakshanba, 21-avgust | +30° +16° |
| Dushanba, 22-avgust | +29° +13° |
| Seshanba, 23-avgust | +32° +17° |

Эълонлар

Қибрай тумани Тадбиркорлик касб-ҳунар коллежидан **Пирматов Абдузфар Абдумажит** ўғли номига 2015 йил 22 июнда берилган К № 3995817 рақамли ДИПЛОМ йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 2017 йил 22 август куни берилган «SAMAL-STROY PROEKT» хусусий корхонасига тегишли муҳр (печать) йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ОБУНА – 2022!
«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Обуна индекси **158**

Амал курсида ўтирганингда ким энг кўп товонингни яласа, курсидан тушганингда уша биринчи бўлиб, сендан юз ўгиради деганлари қанчалик тўғри эканига ўзим ишонч ҳосил қилдим. Бир қадрдоним бор эди. Кунора кўнғироқ қилиб, ҳафтада келиб турар, шифохонага тушиб қолсам "овора бўлманг", дейишимга қарамай ҳаммадан аввал етиб борар, таътил пайтида Ўзбекистоннинг қайси бурчагида дам олмай, топиб борар, "бир чўқимгина" ош қилмаса, кўнгли жойига тушмас эди... Буниси ҳам майли, икки гапнинг бирида "мен сизни отам деганман, сиз менинг отамсиз", деб, Худони ўртага солиб қасам ичарди... Мансабим жиндай ўзгарган эди, "боламини" йўқотиб қўйдим. Суриштирсам, бошқа ота қидириб юрган экан. **Ўткир ҲОШИМОВ**, «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»дан

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Мутафаккирлар вақтга улуг мураббий дея таъриф берган эканлар. Чиндан ҳам вақт – умр сабоқ беришда тенг-сиз.

Бунга маълум бир ёшни қоралаган, фозил кишилар ҳаёти мисол бўлиши мумкин. Мен ҳеч бир иккиланмасдан Ҳамиджон ака Омоновни партиямизнинг ана шундай оқсоқолларидан деган бўлардим. Ҳар доим, ҳар қандай шариотда ҳам кўпчилик манфаатини ўйлайдиган, тўғри йўл, тўғри маслаҳат бера оладиган бундай кишилар жамоатчилик томонидан қадрланган, эъзозланган.

Дунёда шундай инсонлар борки, ҳар бир қадамни юрт манфаати, халқ фаровонлиги йўлида ташлашга одатланган одамлар ўз куч билимини, шижоатини ҳам айни шу мақсадга сарф этадилар.

Куни кеча муборак 63 ёшни қарши олган ҳамкасбимиз Ҳамиджон ака Омоновни узоқ йиллардан бери билганим учун ҳам юқоридагидек таърифларни қозоғга туширдим.

Айни пайтда партиямизнинг Андижон вилояти Кенгашига раҳбарлик қилаётган Ҳамиджон Камилевични бошқа вилоятларда ҳам устоз-дек, адолатли ҳамкасбдек ҳурмат билан тилга олишарди.

Ҳамиша соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва касбий муваффақият ҳамроҳингиз бўлсин Ҳамиджон ака.

Ҳурмат билан,
Норбобо СОАТОВ,
партиянинг Сирдарё вилояти Кенгаши раиси



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАБОВЕВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одиложон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош мухаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи мухаррирлар:
Абдуғаффор ОМОНБОВЕВ,
Равшан МАХМУДОВ,
Нашр учун маъсул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Аслибек ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан руйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг чоршанба куни чикади. Адаби – 5 057. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ Буюртма – 816 Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди 3:45

Электрон почта: ISSN 2010-7714
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru